

Ушбу тадқиқотлар натижаларининг таҳлили, ўрганилаётган пиретроиднинг қорақўл қўйларида тахминан энг юқори қобул қилиш мумкин бўлган (ЎД_0) ва ўртача ўлдирувчи (ЎД_{50}) миқдори 400 ва 550 мг/кг га (ат эм) тенг эканлигини кўрсатди.

Хулосалар:

1. Цитоват пиретроидли препарати қорақўл қўйлари учун ўртача заҳарлик (ЎД_{50} 550) мг/кг даражасига эга бўлган пестицид ҳисобланар экан.

2. Ушбу пестицидни амалиётда кўрсатилган қоидаларга амал қилган ҳолда, эҳтиёткорлик билан қўллаш талаб этилади.

Ҳар хил катта кичикликдаги қорақўл терилар сатҳ кенглиги ва оғирлиги

**О.Бойматов – магистратура талабаси,
С.Юсупов – илмий раҳбар, профессор, С.Сатторов – доцент**

Аннотация Мақолада сур рангли териларнинг сатҳ кенглиги, оғирлиги ўрганганилган ва олинган малумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: сур рангли, қорақўл тери, сатҳ кенглиги, терининг умумий оғирлиги, нисбий оғирлиги.

Қорақўл териларнинг сатҳининг катталиги- товар қимматининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Тери қанча катта бўлса, буюм тикишда улар шунча кам (дона ҳисобида) сарфланади. Амалда бўлган Давлат стандартига мувофиқ қора, кўк ва сур қорақўл териларга юзасининг катталигига қараб баҳо берилади: Тери юзасининг катталиги 1400см^2 дан ортиқ бўлган терилар йирик қорақўл, юзаси $900\text{-}1400\text{ см}^2$ бўлган терилар –ўртача; юзаси $500\text{-}900\text{ см}^2$ бўлган терилар майда қорақўл ҳисобланади, юзасининг катталиги 500 см^2 дан кам бўлган терилар эса катталигига кўра яроқсиз ҳисобланади. Йирик ва ўртача катталиқдаги қорақўл терилар навларга ажратилади. Тери сатҳи майда бўлган яроқсиз терилар навларга ажратилмайди ва доналаб қабул қилинади. Тери тўқимасининг қалинлиги, пишиқлиги, зичлиги, оғирлиги, жун қоплами жингалақларининг катталиги, ва бошқа хоссаларининг тери сатҳининг кенглиги билан маълум даражада боғлиқлиги олимлар томонидан эътироф этилган.

Қорақўл терилар сатҳ майдони бир неча хил усулда: миллиметрли қоғоз устида, планиметр ёрдамида, масштаби тахта, сантиметрли линейка ёрдамида ўлчанади ва стандарт сатҳларга бўлинади. Стандарт ёки фойдали сатҳ деганда тери бўйин асосидан дум асосигача бўлган узунликни терининг энг тор бўлган энининг ўлчамига кўпайтирилиб аниқланади.

М.Ж.Закиров ва бошқалар маълумот беришича қорақўл терилар юзасининг катталиги хом-ашъёнинг тури ва рангига боғлиқ, агар қора қорақўл терилар юзасини 100% деб қабул қилинса, қорақўл-қорақўлча терилар 87,3% ни, қорақўлча-75,6 % ни, тақир - 60,9% ва ёқабоб терилар-115,2 % ни ташкил қилади.

Барча турдаги хом ашъёда рангдор терилар юзасининг катталиги қора териларга нисбатан бир оз кичикроқ бўлиши кузатишган (С.Юсупов, 2005). Ҳар хил турдаги терилар юзасининг бундай фарқли бўлишига сабаб, уларнинг ҳомилалик давридаги ва туғилган кўзилар ҳаётининг дастлабки кунларида ривожланишига боғлиқдир. Териларнинг рангига қараб бир-биридан бирмунча фарқ қилиши ҳайвонларнинг биологик хусусиятларига боғлиқдир. Тери юзасининг катталиги селекция - наслчилик ишларининг йўналишига ва маълум даражада хом-ашъёнинг навиға ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Биз ўз тадқиқотларимизни Навоий вилояти Конимех тумани Абай номли қорақўлчилик наслчилик заводида ҳар хил катта кичикликдаги сур рангли қорақўл териларнинг сатҳ кенглиги ва оғирлигини ўрганганиш юзасида ўтказган эдик. Бу тадқиқот ўтказишдан мақсад, сур рангли қорақўл кўзиларининг қумли чўл шароитида урчитишдан олинган қорақўл терилар сатҳ кенглиги ва оғирлигини ўрганиш асосида бу хусусиятларга тасир этадиган омилларни ўрганиш ва шулар асосида йирик сатҳли тери етиштиришнинг селекция услубларини ишлаб чиқиш эди.

Бу вазифани бажариш учун тўл пайтида 20 тадан майда, ўрта ва йирик деб баҳоланган кўзилар сўйилиб териси тузлаб қуришиб тозалангандан кейин сатҳ кенглиги ва оғирлиги ўлчаб ўрганилди. Териларнинг сатҳ кенглиги линейка ёрдамида, оғирлиги эса электрон тарози ёрдамида ўлчанди олинган маълумотлар биометрик услубда таҳлил қилинди.

1-жадвал

Ҳар хил катта кичикликдаги сур рангли қорақўл териларининг сатҳ кенглиги ва оғирлиги

Урчитиш ҳудуди	Терилар ранги	Катта кичиклиги	Терилар		
			Сатҳи, см ²	Оғирлиги, гр	1 см ² сатҳнинг оғирлиги, гр
			M+m	M+m	
Қумли чўл (Абай)	Сур	майда	713,7±18,97	135,0±5,33	0,19
		ўрта	919,55±31,43	193,1±8,21	0,21
		катта	1475,85±37,37	354,2±13,04	0,24

Олинган маълумотларнинг таҳлили қорақўл терилар сатҳининг катталиги энг аввало уларнинг оғирлиги билан боғлиқлигини кўрсатади.

Қорақўл терисининг сатҳи катта бўлса уларнинг оғир бўлишига олиб келади лекин катта сатҳли терилар майда ва ўрта ўлчамдаги териларга нисбатан майдони жиҳатдан солиштирилганда енгил бўлади. Малумки товаршунослик нуқтаи назардан териларнинг йирик бўлиши юқори баҳоланса массасининг оғир бўлиши уларнинг қимматлилигини пасайтиради ва улардан тайёрланган маҳсулотнинг харидоргирлиги камаяди. Шу нуқтаи назардан наслчилик ишини юритишда териси юпқа ва енгил бўлган авлод олишнинг селекцион услубларини ишлаб чиқиш долзарб муоммо деб ҳисобланади.

Қорақўл кўзи терисининг сатҳи ва оғирлиги кўчқор ва совлиқларнинг ёшига, рангига, конституция типига, барра типига, озикланиш ва семизлик даражасига, шунингдек қорақўл кўзиларининг катта кичиклигига, тирик вазнига, урчитилаётган ҳудуднинг яйлов шароитига ва наслчилик ишининг тўғри юргизиш даражасига тўғридан-тўғри боғлиқ эканлиги аниқланди.

Янгиликка гумон қилинган колбасани текшириш

Ғ.Жўраев – магистратура талабаси, А.Худойберганов – в.ф.н.

Аннотация. Колбаса маҳсулотларини ветеринария санитария экспертиза қилиш асосида уларнинг сифати аниқланади ва бу чиқарилаётган маҳсулотларининг ҳолатини мавжуд стандартга жавоб беришлиги ҳамда технологик шароити белгиланади. Колбаса маҳсулотларининг яхши сифатлилиги хом-ашёнинг (гўшт, ёғ ва бошқалар) сифатига тайёрлашдаги технологик талабга ҳамда сақлашга ва сотишга боғлиқ. Дехқон бозорларига ва сотиш муассасаларига олиб келинган пиширилган колбасалар маълум даражада текширилиши шарт. Синчиклаб органолептик ва лаборатория текшириши учун ҳар бир олиб келинган туркумдан иккитадан колбаса ўрами олинади. Маҳсулотларни текшириб аниқлашда, органолептик белгиларига, лаборатор, физикавий ва кимёвий кўрсаткичларига, бактериологик текшириш натижаларига асосланилади.

Калит сўзлар: нитрит, нитрат, пинзоловкалаш, шлямовкалаш.

Колбаса маҳсулотлари тайёр, юқори туйимлилика эга бўлган гўшт маҳсулоти бўлиб, ўзига хос таъмга ва хидга эга. Колбасалар чидамли ва чидамсиз гуруҳларга бўлинади. Чидамли колбасаларга хом дудланган ва ярим дудланган колбасалар кириб, улар узок вақтгача сақланади. Чидамсиз колбасаларга қайнатилган ливирли, нонли, фаршли, сосиска, сарделка, дирилдоқ киради. Булар тайёрланган жойда қисқа муддатда сақланади. Ҳар бир колбаса маҳсулотларига хос маълум бир тайёрлаш жараёни мавжуд бўлиб, технологик ва